Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

4

1988

57 -йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош редактор ўринбосари)
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

Раҳимжон Отаев

ҚАНДАЙ ЁЗМАСЛИК КЕРАК?

Одатда бадиий жиҳатдан баркамол асарлар жуда кўп хусусиятларига кўра бир-бирларига ўхшайдилар: барчасида тўлақонли образлар, бетакрор характерлар, ёркин индивидуал услублар, пухта ишлов берилган сюжет, композицион бир бутунлик, ширадор тил, ғоявий-бадиий тиниқлик, хуллас, юксак бадиятни кўрасиз. Бадиий жиҳатдан заиф ёхуд ўртамиёна асарлар эса, аксарият ҳолларда бири иккинчисидан кескин фарқланиб туради: бирида тил ғализ. Иккинчисида тил яхшию жонли тасвир ўрнига баёнчилик ҳукмрон. Учинчисида тасвир яхшию сюжет сийқа ва ҳоказо.

80-йилларнинг биринчи ярми ўзбек қиссачилигида бадиий жиҳатдан заифликнинг энг ибтидоий — ўта жўн шаклидан тортиб то профессионал косиблик намунаси бўлмиш энг маданийлашган шамойилигача ғоят ранг-баранг «сўнгги нусхалар»ини учратишимиз мумкин. Биз бу ўринда нисбатан осонроқ йўлдан бормоқчимиз: одатда «танқиддан тубан» дея таърифланувчи «асарлар» — бадиий жиҳатдан заифлиги аниқ-равшан кўриниб турган айрим қиссаларга мурожаат этмоқчимиз ва уларга хос энг характерли иллатлар хусусида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Ҳамид Тожибоевнинг «Оқ турна» («Ёш гвардия, 1982) тўпламига киритилган икки асар «қисса» деб кўрсатилган. Шулардан бири — «Она қалби алдамас»нинг ҳажми ўн беш саҳифагина. Бу ҳажмда қисқача баён қилинишича (ҳа, айнан «қисқача баён қилинишича»), Ойсара исмли аёл эрини фронтга кузатиб, тўрт яшар ўғли Адашалини йўқотиб қўяди. Қизиғи шундаки, ўғлини йўқотганини уйга қайтаётиб аравада ўтирганида «бехос» сезиб қолади. Болакай эса, қандайдир йўллар билан, отаси чиққан поездга эмас, бошқа поездга ўтириб, тўппа-тўғри... Украинага бориб қолади! Йўлда уни Мария исмли аллақандай ҳамшира аёл ҳалок бўлган ўғли Андрейнинг ўрнига ўғил қилиб ўз парваришига олади, тарбиялаб вояга етказади. Андрей (Адашали) олий маълумотли инженер бўлиб, кунлардан бир куни нима учундир тўппа-тўғри Ойниса яшаётган қишлоққа ишга тайинланади. Орадан андак ўтиб Мария ҳам шу қишлоққа етиб келади. Муаллиф икки онани Ойнисанинг уйида учраштиради. Ойниса Андрейни йўқотган ўғлига ўхшатади. Ўғлини бошқалардан фарқлаб турувчи тўртта белги ҳақида гапиради. Сўнгра асарда шундай ажойиб-ғаройиб ахборот берилади: «Кейин текшириб кўришди. Ҳаммаси тўғри чиқди. Икки она икки томонда ҳушидан кетди. Офтобхонни Адашали суяб қолди, Марияни — Ойниса», Муаллиф: «Адашали — Андрей икки она қучоғида: бири — туққан онаси, иккинчиси вояга етказган» (99-бет), — дейди-да, асарга сўнгги нуқтани қўяди. Ҳа, худди шу шамойилда сўнгги нуқтани қўяди!

Ҳаётда шунақаси ҳам бўлиши мумкин, албатта. Лекин ҳамма гап ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришда. Афсуски, мазкур асарда воқеаларни аниқ тасвирлаш, қаҳрамонлар руҳий ҳолатларини теран таҳлил этиш, уларнинг характер хусусиятларини очиб кўрсатиш ўрнига нақд йигирма йиллик воқеалар ҳақида атиги ўн беш саҳифада узуқ-юлуқ ахборот берилади, холос. Бу йўл билан китобхон руҳиятини бойитиш у ёқда турсин, уни ишонтириш ҳам мушкул, албатта.

«Гуласал» асари ҳам мазмунан «Она қалби алдамас»га жуда-жуда ўхшаб кетади. Фарқ шундаки, бу қиссада энди қаҳрамонларнинг жинси «ўзгарган». Яъни, оналар ўрнига оталар диққат марказига чиққан, шугина, холос. Бошқа жиҳатлар ўша-ўша. Тасаввурингиз равшанроқ бўлиши учун «Икки ота бўладими?» деб номланган битта бобни тўла ҳолда келтиришни истардик: «Петр Васильевич билан Бахтиёров боғдаги ресторандан туғишган ака-укадай иноқ дўст (!) бўлиб қайтишди. Йўл-йўлакай, маҳаллага етиб келгунга қадар Оксана — Гуласал уларнинг тилидан тушмади.

— Оксана мен билан кетармикин? — деди Васильенко.

— Қайдам... ўзи нима деркин? Ахир ўрганиб қолган Гуласал менга. Шу маҳалгача фақат мени ота деб билади-ку қиз бояқиш.

— Шундай бўлиши табиий. Аммо энди мен нима қиламан?

— Бир иложини топармиз?

Бу оламда илож топилмаган нарса бўлмаган. Оталар узундан узоқ мунозаралардан сўнг бир фикрга келишди» (126-бет).

Бу «боб»га, бизнингча, изоҳнинг ҳожати йўқ. Фақат шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, бобдан сўнг берилган «Хотима ўрнида»да оталарнинг қандай илож топгани (яъни, битта қизни ўртада қандай тақсимлаганлари!) айтилмайди. Гуласалнинг бир неча ойдан сўнг Киевга жўнаб кетгани, ўша ёқда Ботиржон исмли андижонлик йигит билан танишгани, унга турмушга чиқиш учун хат орқали Бахтиёровдан розилик сўрагани ҳақида икки жумлада қисқагина маълумот берилади, холос. Сезилиб турибдики, Ҳамид Тожибоевнинг иккала қиссаси азбаройи «Бадиий асарни қандай ёзмаслик керак?» деган саволга жавоб бериш учун яратилгандек.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Неъмат Ёқубовнинг «Хазина султони» (*«Ёш гвардия», 1983*), Усмон Юсуповнинг «Арнасой гуллари» (*«Ёш гвардия», 1981*), Норқул Ҳайитқуловнинг «Томчи» (*«Ёш гвардия», 1981*), Худойберди Эшонқуловнинг «Дарахтлар гапирмайди» (*«Ёш гвардия», 1984*), Нусрат Раҳматовнинг «Дашт» (*«Шарқ юлдузи», 1981, 5-сон*) қиссаларида юқоридагидек ўта жўнлик учрамаса-да, уларнинг барчаси учун муштарак бир иллат аён кўринади. Бу иллат — муаллифлар аввал бошдан «ишлаб чиққан» тайёр андаза — схемадир: қаҳрамон дабдурустдан чўлга отланиб қолади. У ерда қийналар-қийналмас фавқулодда жасорат намуналарини кўрсатади. Қолоқ раҳбарларга қарши курашади. Оҳир-оқибат бу курашда ғалаба қозонади. Лекин бу қаҳрамоннинг ўзи қандай одам, характери қандай, маънавий дунёси қандай — тасаввур этолмайсиз. «Хазина султони»даги Исомиддин Арабов ҳам, «Арнасой гуллари»даги Пўлат ака ҳам, «Томчи»даги Собир Тоғаев ҳам, қолган икки қиссадаги Хуршид ва Тельман Муродовлар ҳам характер мантиқига кўра эмас, муаллифнинг инон-ихтиёрига кўра ҳаракатланадилар. Тўғри, бу қиссаларнинг ҳар бирида баёнчилик, юзакилик, мантиқсизлик, имловий ғализ ёхуд китобий жумлалар ва яна бошқа иллатлар ҳам учрайди. Аммо уларнинг барчаси учун муштарак иллат — схематизмдир. Бу қиссалар «Чўлга отланинг!» шиорига илова тариқасида муаллифлар томонидан «қўлда ясалган» схематик асарлардир.

Яна таҳлилга қайтайлик.

Тўхташ Ашуровнинг «Марварид тут» китобига (*Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981*) икки қисса киритилган. Ҳар икки асар қаҳрамонлари аччиқ, оғир қисматни бошидан кечирган одамлар. «Марварид тут»да Фотима Олимбоеванинг қарийб эллик йиллик ҳаёти қаламга олинади. «Кўнгил бутун бўлса» қиссасида эса, болалигидан радиотехник бўлишни орзу қилган Муроднинг иккала қўлидан ажралганига қарамай ўз орзусига қандай эришгани ҳикоя қилинади. Иккала қиссада муаллиф фавқулодда матонатли кишилар образини яратишдек яхши ният билан қалам тебратгани сезилиб турибди. Аммо бу яхши ниятнинг ижроси кўнгилдагидек эмас. Мазкур асарларга хос «тасвир», яъни баён услубини қуйидаги парчалар ҳам аён кўрсатиб турибди: «Фотима кечқурунлари бошқалар қатори савод чиқариш курсида ўқир, ҳафтада икки марта МТСда ташкил қилинган трактор чилар курсига ҳам қатнарди. Лекин буни ҳеч ким билмасди» (*24-бет*). «Фотима ишга шўнғиб кетди. У одамлар билан самимий, тўлиб-тошиб гаплашар, уларнинг дардларига, ташвишу қувончларига шерик бўларди» (*46-бет*). Қаҳрамоннинг ўқиши, ишга берилиши, гаплашиши, шерик бўлишини бевосита тасвирда кўрсатиш, бадиий гавдалантириш ўрнига улар ҳақида қуруққина ахборот бериш, баён, маълумки, бугунги насримиз талабларига батамом зиддир.

Насрий асарнинг ғоявий-эстетик таъсир қувватини сусайтириб, китобхоннинг бадиий дидини ўтмаслаштирувчи иллатлардан яна бири юзакиликдир. Аксар қаҳрамонлар руҳиятининг теранроқ қатламларини изчил таҳлил-тадқиқ этиш ва бундан муайян фалсафий-бадиий умумлашмани келтириб чиқаришга ижодкор қалами ожизлик қилганда у ҳаётий воқеа-ҳодисаларнинг зоҳирий жиҳатлари, ташқи аломатлари билангина ўралашиб қолади. Ана шу воқеа-ҳодисалар замирида ётган моҳият, уларни ҳаракатга келтирувчи ижтимоий ва руҳий кучлар назардан четга чиқади. Бундай қалами ночор ижодкорлар кўпинча энг долзарб мавзуларга ўзларини урадилар. Бугунги кунниинг энг муҳим талабларига «лаббай» деб жавоб бериш учун «от қамчилаш» билан ўз ночорлигини хаспўшлашга уринадилар. Лекин мавзу долзарблиги ва ҳозиржавоблик асардаги бадиият, бадиий баркамоллик ўрнини ҳеч қачон босолмайди, албатта.

Сайёрнинг «Одам борки...» (*«Ёш гвардия», 1985*), К. Нишоновнинг «Комсомол қўшиғи» (*«Ёш гвардия», 1982*), А. Жуманазаровнинг «Политрук жангга бошлайди» (*«Ёш гвардия», 1983*) қиссалари бунга мисол бўла олади. Ҳар уччала асар ғоят долзарб мавзуларга бағишланган. Сайёр ўз қиссасига бош қаҳрамон сифатида Тошкент трактор заводида меҳнат фаолиятини бошлаган ёш ишчини танлайди. «Комсомол қўшиғи» қиссасининг қаҳрамонларидан бири Мўминжон Андижон сув омборидек Бутуниттифоқ зарбдор қурилишида жонбозлик билан меҳнат қилади ва шундай бўладики, сув омбори қурилиши эндигина ниҳояланган чоғида чўкиб кетаётган одамни қутқараман деб қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Политрук Абдулла эса, Улуғ Ватан урушида қатнашибгина қолмай, совет жангчиларини немис-фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона жангларга даъват қилиб фаол сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боради. Хуллас, ҳар уч асар қаҳрамонлари ўзларини энг шарафли меҳнат ва жангларга бағишлайдилар, юксак гражданлик ҳисси билан яшайдилар. Тўғрироғи, муаллифлар ўз қаҳрамонларини завод станоги ёнига, тўғон қурилишига, жанг суронларига олиб кирадилар. Яна шуниси борки, уларни завод ҳаёти, тўғон қурилиши, жанг тартиботлари билан яқиндан таниш эмас, деёлмаймиз. Мазкур китобларда таъкидланишича, Сайёр ўз қиссасини ёзиш учун бир неча йил заводда оддий ишчи бўлиб меҳнат қилган, завод ҳаётини ичдан ўрганган. К. Нишонов ва А. Жуманазаровлар ҳам хужжатли қиссаларда ўзлари бевосита гувоҳ бўлган, кўрган-билган воқеа-ҳодисаларни қаламга олганлар. Аммо улар шу қадар юзаки тасвирланганки, ҳар хил майда-чуйда тафсилотлар: учрашишлар, севиб қолишлар, узундан узоқ суҳбатлару хитоб-чақириқлардан иборат юза қатлам тагида қаҳрамоннинг руҳий дунёси, характери, асарни ёзишдан кўзда тутилган мақсад ноаниқлигича қолиб кетаверади.

Бу иллат тарихий ва ҳаётий шахслар ҳақидаги бадиий ва ҳужжатли қиссаларда ҳам тез-тез учраб туради. Чунончи, Қўлдош Мирзонинг «Мубтало бўлдим сенга» (*«Шарқ юлдузи», 1981, 6-сон*), «Сеҳрли садо» (*«Олам гўзал« тўпламн, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984*) тарихий қиссаларида, Мирзакарим Пирматовнинг «Хаёл қуши» (*«Ёш гвардия», 1984*) номли ҳужжатли қиссасида шу ҳолни кўрамиз. Мазкур қиссаларда Алишер Навоийдек буюк бир сиймо, Муҳаммад Шариф Гулханийдек ажойиб масалнавис ёхуд Абдухалил Мансуровдек йирик олимга хос ўта мураккаб руҳий олам ва характер хусусиятлари бадиий гавдалантирилмаган.

«Мубтало бўлдим сенга» қиссасидаги юзаки ва жўн талқинлар ўз вақтида А. Каттабеков ва О. Абдуллаевларнинг танқидий мақолаларида батафсил таҳлил қилиб кўрсатилган эди (*А. Каттабеков. «Мавзу масъулияти», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1982 йил 29 июнь; О. Абдуллаев. «Қалбга очилган йўл», Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 39—48-бетлар*). Қўлдош Мирзонинг кейинги тарихий қиссасида ҳам худди шу иллатлар қарийб айнан такрорланган ёш мунаққид Зебо Бобоева тақризида ишонарли кўрсатиб берилди (*«Шарқ юлдузи», 1985, 197—198-бетлар*). Очиғини айтганда, бу ҳолни кўриб «ёш ижодкор энди қай бир тарихий сиймо

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаётини қаламга олаётган экан?» дея хавотирга, «танқидий фикр-мулоҳазалар баъзи ёзувчиларимизга заррача таъсир кўрсатмайди шекилли» деган хаёлга борасан киши!

Жўн талқинлар Мирза Каримнинг «Хаёл қуши» номли ҳужжатли қиссасида ҳам аён кўринади. Муаллиф Абдухалил Мансуров образини асосан унинг Юрий Гагарин билан суҳбатлари-ю илмий раҳбари билан ёзишмаларини келтириш орқали яратмоқчи бўлади.

Ҳар учала асарда муаллифлар қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари, унинг табиатидаги ташқи, жузъий аломатлари билан ўралашиб қолиб, чинакам ёзувчига хос яратувчилик — характернинг моҳиятини очиш, қаҳрамоннинг руҳий оламини таҳлил ва тадқиқ этишга астойдил уриниб кўрмайдилар.

Бадиийтнинг яна бир кушандаси — мантиқсизлик, асарда қаламга олинаётган тафсилот ва деталларнинг мантиқан асосланмаслиги, бадиий мантиқнинг тахчиллигидир. Афсуски, 80-йиллар ўзбек қиссачилигида бу иллат ҳам анчагина кенг тарқалган эди. Мисол учун ўз пайтида адабий танқидчилик назаридан четда қолган бир қиссани атрофлича кўриб чиқайлик.

Тўлқиннинг «Севара» (*«Ёш гвардия», 1981*) тўпламидаги шу номли қисса ўрта мактабни битирувчиларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши, ҳаётдан ўз ўрнини топиш йўлларини бадиий тадқиқ этишга қаратилган. Хўш, бу яхши ният асарда қанчалик амалга ошган?

Гарчи аниқ тасвирга нисбатан баённчилик, воқеанавислик устун бўлса-да, эътироф этмоқ керакки, асарда синфдошлар — Равшан, Севара, Соҳиба, Маҳбуба, Анвар, Юсуфларнинг ўзаро муносабатлари, Партизан амакининг ўтмишига доир дастлабки саҳифалардаги мантиқ китобхонда у қадар жиддий эътироз уйғотмайди. Қиссада қаламга олинаётган воқеаларнинг ростлигига шубҳа даставвал имтиҳон пайтида — мактаб директори синф тахтасига иншо темаларини ёза бошлаганида (*62-бет*) пайдо бўлади. «Наҳотки ўқитувчи эмас, мактаб директори ёзса?» дея ўйлаймиз беихтиёр. Албатта, бу бир қарашда ғоят кичик, арзимас деталь. Аммо, биринчидан, ёлғоннинг катта-кичиги йўқ. Иккинчидан, модомики, асар ўсмирларга мўлжалланган экан, мактаб ўқувчиси айни лаҳзаларда тахтага ким ёзиб, ким ёзмаслигини яхши билади. Кейинчалик Равшаннинг мактабни битириб, боғ қоровули Партизан амакидан трактор ҳайдашни ўрганаётганини кўриб, яна ажабланамиз. «Қоровулга трактор қаёқдан келди? У трактор ҳайдашни билармиди?» қабилидаги саволлар ўз-ўзидан туғилади. Севарани отаси ўзи ҳам яхши танимайдиган, «ҳали кирққа бормаган» (*92-бет*) аллақандай Нормат Бердиевичга унаштириши, Нормат Бердиевичнинг эса, хотини ва учта фарзанди бўла туриб, ўн саккиз яшар қизга кетма-кет совчи юбориши (қизиқ, совчилар Нормат Бердиевичга қариндошмикинлар?), тўй куни белгиланиб, фотиҳа ўқилган ерда ғофил отанинг қаёқдандир «сир»ни билиб қолиб, ўз аҳдидан қайтиши... — буларни бамисоли чўпчак дейсиз! Асар ўрталарига келиб шаҳарлик тоғаю унинг қизи Зуҳранинг қўққисдан пайдо бўлиб қолиши, тоғанинг Равшанни ўзига куёв бўлишга ундашлари ҳам ғалати. Бу хатти-ҳаракатлар аввал бошдан ўта шубҳали бошланиб, тез орада алланечук мубҳам, тушунарсиз бўлиб ҳам топади-ки, беихтиёр «муаллиф бу можароларни Равшан билан Севара ўртасидаги «ҳисоб-китоб»ни бараварлаштириш мақсадида ўйлаб топганмикин?» деган хаёлга борасиз. Можароларнинг якуни янада ғаройиброқ: севишганларнинг оралари бузилай-бузилай деб турганида отанинг кўнгли тўсатдан Равшанга оғиб қолади. Зуҳра ҳам севгани борлигини айтиб отасини шаштидан қайтаради. Қарабсизки, асардаги сунъий равишда ҳосил қилинган драматизм оппа-осон ҳал қилинади-қўйилади. Кунлардан бир куни Равшан «нимагадир юраги сиқилиб» оқшом чоғи кўчага сайр қилгани чиққанида тасодифан Севарани учратиб қолади. Мана шундагина — шу кутилмаган учрашув дақиқаларидагина — қаҳрамонимиз «Севгига эришиш учун тинмай курашиш, интилиш зарур» (*136—137-бетлар*), дея ўйлай бошлайди. «Интилганинг шуми? Нега аллақандай Комилнинг ёлғон гапларига лаққа учиб, ҳозирга қадар ландовурларча лалайиб юравердинг бўлмаса?» дея қаҳрамоннинг ўзидан сўрагинг келади киши!

Маълумки, бадиий асардаги кўпгина жиҳатлар ёзувчининг иқтидори, маҳорати, китобхонни ишонтира олиш қобилиятига боғлиқ. Айтайлик, машҳур эртакнавис Ханс Христиан Андерсен фавқулодда ғаройиботлар ҳақида ёзади. Аммо бу ғаройиботларнинг ростлигига — айнан шундай бўлиши мумкинлигига беихтиёр ишона бошлайсиз. «Севара» қиссасида эса, муаллиф бир қарашда оддий, рўй бериши эҳтимол бўлган воқеалар атрофида чинакам ғаройиботларни, даҳалроқ айтганда, ғирт ёлғонлар тизмасини ҳосил қилади.

Бундай ғаройиботлар, яъни, мантиқий чалкашликлар Келди Қодировнинг «Сел» ва «Оқ бўрон» деб номланган илк қиссаларида (*Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982*) ҳам кўплаб учрайди.

Шуниси таажжубланарлики, бағоят талабчан танқидчимиз Норбой Худойберганов «Сел» китобига тақриз ёзар экан, унга киритилган икки қиссага муносабатда ҳам, тақризга ишлов беришда ҳам нима сабабдандир талабчанликни сусайтириб юборади (*«Фикрлар салмоқли-ю, бироқ...», «Шарқ юлдузи», 1983 йил, 8-сон*). Тўғри, тақризда ҳаққоний фикрлар ҳам бор: «персонажлар кўп ҳолларда фақат таърифлаб, тавсифлаб берилади, уларнинг хатти-ҳаракатлари, изланиш — интилишлари шунчаки баён этилади, холос». «Муҳайё Жабборовани... жонли инсон тарзида тасаввур қилолмайсиз. Асарда исми бору жисми, тани-жони бўлмаган яна ўн-ўн беш шахс бор». «Шунинг учун ҳар иккала қиссани — «Сел» билан «Оқ бўрон»ни том маънодаги ижодий ютуқ деб айтолмаймиз». Лекин тақриз давомида нимагадир бу ҳаққоний фикрларга мантиқан зид хулоса келтирилади: «Айни чоқда уларни заиф асар деб баҳолашга ҳам асос йўқ». Хўш, нега «асос йўқ» бўлар экан? Ахир, юқорида берилган хулосалар асос борлигини кўрсатиб турибди-ку! Тўғри, мунаққид ўзининг кейинги хулосасини шундай асосламоқчи бўлади: «чунки, ҳар иккала асарда қимматли фикрлар баён этилади... Қолаверса, айрим қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, кечинмалари **анча** ҳаётий гавдалантирилганки, бу кўпроқ «Сел»даги Қоплонбек Қиличбековга тааллуқли. Ҳатто бадиий жиҳатдан **анча** заиф чиққан «Оқ бўрон»даги Эломон ҳам б а ъ з а н тирик одам тарзида гавдаланади».

Келтирилган парчадаги мантиққа қаранг! Нима, «қимматли фикрлар баён этилган» бўлса бас, заиф асар дейишга асос қолмайдими? Ахир, заиф деган сифат фикрга эмас, бадиийтга дахлдор-ку! Айтайлик, «Кўча ҳаракати қоидалари»да қимматли фикрлар баён қилинган бўлиши мумкин. Лекин уни бадиий асар, устига устак, бадиий жиҳатдан бақувват асар демаймиз-ку! Қиличбековнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

«анча ҳаётий гавдалантирилгани», Эломоннинг «баъзан тирик одам тарзида гавдаланиши»ни кандай тушуниш керак? «Анча»си — қанча? «Баъзан»и қандай? Бизнингча, бу хилдаги мавҳум, «ушловсиз» мезонларни қўйиб, рўй-рост баҳолаш лозим эди: «Сел» ва «Оқ бўрон» қиссалари бадиий жиҳатдан заиф асарлардир. Улардаги биргина мантиқ (яъни, мантиқсизлик)нинг ўзиёқ бундай баҳо учун етарли асос беради.

Мазкур икки қиссанинг ҳар бирида йигирматача персонажлар иштирок этади. Лекин бу персонажларнинг биронтаси ҳам ўзига хос характер хусусиятлари билан жонли гавдаланмайди. Сабаби — узундан узоқ диалоглар, ғаройиб воқеалар, фавқулодда тақдирлар ҳақидаги қуруқ баёнчиликдан иборат саҳифалар келаверади, келаверади. Аммо улар ўртасида умумий мантиқий-бадиий боғланиш сезилмайди.

Дастлабки қисса бош қаҳрамон — Мўминжоннинг Янгиқишлоққа келиш тафсилотлари билан бошланади. Илк саҳифадаёқ «Янгиқишлоқ маданий ёдгорликлар институти — қанақа институт бўлди бу?» дея ажабланамиз. Ҳар қалай «балки бу ёзувчи фантазиясидир» деб ўйлаймиз-да, ўқишда давом этамиз. «Ғаройиботлар» иккинчи бобдан бошланади аввалига Қаҳрамонжонни райкомда — район ташкилотлари раҳбарларига топшириқ бераётган ҳолда учратамиз. Қоплонбекка қўшилиб «Нима, колхозга раисми бу одам ё райком секретарими?» деб таажжубланамиз. «Биринчи — касал, учинчи — отпускада, иккинчи — акасининг тўйида» (*10-бет*) экан, бутун бошли райкомнинг иши шу колхоз раисига қолибди-да, дея ажабланамиз. Бу муносабат билан ҳам «Ҳа, энди, сел хавфи колхоз территориясидадир» дея тахмин қиламиз. Бироқ ўзини халқпарвар ҳисобловчи раиснинг ҳал қилувчи лаҳзаларда ўз кабинетида Қоплонбек билан бамайлихотир гаплашиб, оташин нутқ ижро этаётганини кўриб, яна ҳайрон бўламиз. Сўнг унинг: «Онахонлар! Сизларни ташлаб биз очиқ мозорга кетамизми?» (*11-бет*), «Жавоб кутмай юзига тарсаки тортиб юбордим» (*12-бет*), «Эшонбаччалар айтганидай, эртага ё облою ё насиб! Худо кўрсатмасин, ўлиб кетганимда борми!» (*13-бет*), «Аммо мана бу халқ-чи? Халқ! У ўз раҳбаридан гина ё шубҳа қилдими, ундай раҳбар Яссавийга ўхшаб пайғамбар ёшини кутиб ўтирмасданоқ тириклай очиқ мозорга кириб кетаверсин!» (*14-бет*) қабилидаги гапларини эшитиб, таажжубимиз тобора ортади. Қанақа раис ўзи бу одам, раисми ё художўй зобитми, дея ўйлаб қоламиз. Қиссада бу ижобий қаҳрамон ўз нутқини шундай якунлайди: «Мен сенга фалсафа сўқиётганим йўқ, мендан ўн, юз чандон билағонсан! Фақат юрагим тўлиб кетиб, бир бўшатиб олай дедим, хафа бўлма». Сўнг нимагадир ўзидан ҳадиксираб, мантиқан аввалги гапларга мутлақо боғланмаган саволни қўндаланг қўяди: «Балки озгина шуҳратимизга маҳлиё бўлиб, кўзимизни шира босиб қолаётгандир, а?» (*16-бет*) Бу саволга Қоплонбек жавоб бермайди ё муаллиф уни келтиришни лозим кўрмайди. «Ташаббусни ўз қўлига олиб», шундай «тасвир»ни келтиради: «Етимтоғ ён бағридаги дарахтлар ер бағирлади». Кейинги саҳифада эса, шундай тасвир билан танишамиз: «Етимтоғ ўркачлари устида тўзиб ётган сийрак булутлар орасида қуёш гардиши ярқираб турар, шарқ томондаги тепаликлар устида, бепоён ва қадрдон дашт устида баъзан бўғиқ гулдирак овози келарди. Бир оздан сўнг уч кунлик ойнинг кўкиш ўроғига ўхшаш камалаклар анвойи рангларда жилоланиб, товланиб кўринади». Имло масаласини-ку, майли, қўйиб турайлик. Лекин парчани ўқиб сизда «камалак нечта бўлади ўзи?» деган савол туғилиши табиий.

Қисса шу савияда давом этаверади. У билан тўла танишиб чиққач, очиғи, миянгиз ғовлаб кетгудек бўлади. Саволлар исканжасида қоласиз: Қаҳрамон Отабоев қандай одам ўзи?! Қаҳрамон билан Қоплонбек қанақа дўст? Наҳотки Қоплонбек она қишлоғига бир неча кунлик меҳмон бўлиб келсаю меҳмонхонада тунаса? Қадрдони Қаҳрамон эса, уни меҳмонхонага жойлаб кетса? Қоплонбек қанақа олим? Нега у Қаҳрамонга ҳасад қилади? Аббосхон Азизхонович лоақал фан номзоди бўлмаса, академия президиумидаги раҳбарлик лавозимларидан бирида қандай ишлайди, хўжалик бўйичами? Наҳотки Мўминжоннинг «уч юз сўм ойлик оламан» қабилидаги ёлғонига ҳамма лаққа ишона қолса-ю, шундан ғалати «диққатпазликлар» келиб чиқса?.. Шу сингари сон-саноқсиз саволлар аввало асардаги мантиқ, ишонтириш, далиллаш кучининг йўқлиги сабабли табиий равишда туғилади.

Қиссада мантиқан пойма-пой, услубан ғализ, «бир қайнови ичида» гаплар кўплаб учрайдики, уларни лоақал муҳаррирнинг эпақага келтирмаганига ажабланасан киши! Мана, шундай жумлалардан айримлари. «Ҳали терговда ўтириб чиқса ҳам ажаб эмас» (*12-бет, маълумки, терговда жавоб берадилар, қамокда — ўтирадилар*). «Умуман гапириб беришга чоғи йўқ, таққирловчи гап деб билар эди» (*20-бет, нимани «билар эди»?*). «Нима бир соҳада нон талашаётган, амал талашаётган кундошмидики, ҳасад қилсам?» (*25-26-бетлар, кундошлар нонни-ку, талашар, лекин амални?..*). «Дўстлик риштасини мустаҳкамлайдиган, йўғонлантирадиган восита...» (*30-бет, қаранг-а,«риштани йўғонлаштирадиган»!*). «Майл туйғулари...» (*65-бет, бунақа туйғу йўқ, ахир!*). «Кўкариб кетган пастки лабларини оқариб кетгунча қаттиқ тишлади» (*74-бет, ана сизга «кетиш»!*). «У худди темир аппаратга ўхшаб гапирарди» (*109-бет, темир аппарат гапираркан-да?*) Бундай кулгили жумлалар, албатта, муаллифнинг сўзни ҳис қилмаслиги, тилга «зуғуми» туфайли битилган.

«Оқ бўрон» қиссасида услубий сакталиклар, мантиқсизликлар нисбатан камроқ. Асарда муаллиф бадиий асарнинг сюжет қурилиши ва композицион яхлитлигини таъминлаш бобида бир қадар малака ҳосил қила бошлаганини сезиш қийин эмас. Унда халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинган. Бироқ мазкур қиссадаги бундай фазилатларни йўққа чиқарувчи жиддий қусур, бизнингча, баёнчиликка қаттиқ ружу қўйишдир. Биргина мисол билан кифояланмоқчимиз. Қиссада айтилишича, темирчи Бойбўсин ва унинг хотини якка-ёлғиз фарзандларини урушдан олиб қолиш илинжида дори ичиришади-ю... ўлдириб қўйишади! Шундан кейин рўй берган можаролар қуйидагича баён қилинади: «Бола яна икки кун чўзилиб ётдию кечга бориб жони узилди. Қий-чув кўтарилди. Бойбўсиннинг хотини остонада ўтириб олиб сочини юлганича дод солди:

— Ёлғизимни ўлдириб қўйди-ей бу номард чол! Яхши эзмасдан данипаранг ичириб қўйди болагинамга... кетаварганида омон қайтиб келармиди болагинам...

Маҳаллада гап ўрмалади. Бойбўсинни ҳам олиб кетдилар бу орада. Шу кетганча қайтиб келмади...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир йўла ҳам ўғлидан, ҳам эридан ажралиб қолган аёл телба бўлиб қолди» (228-бет).

Эътироф этмоқ лозим: ниҳоятда таъсирли, агар ўринлатиб бадиий тадқиқ-тасвир ва таҳлил этилса, шуларнинг ўзи алоҳида бир қиссага мавзу бўладиган воқеа! Лекин у конкрет тасвирланмаганлиги, ҳар учала қаҳрамоннинг айни лаҳзалардаги руҳий ҳолатлари, кечинмалари атрофлича таҳлил этилмаганлиги сабабли китобхонга таъсир қилмайди.

Қуйидаги парчада мантиқсизлик билан баён ўзаро чатишиб-чирмашиб кетган: «У қош қорайганда қайтиб келди. Кечаси билан нималарнидир хомчўт қилиб чиқди (*нималарни?*). Яйраб-яйраб кулди (*нега?*). Унинг кайфияти нечоғли баланд эди (*нечоғли?*). Буни Ойжон ҳам сезди. Секин эрининг ёнига келиб чўкди. Ойжон ҳам ўзидан ўзи хурсанд бўлиб кетаётган эди» (ўзидан ўзими?)...

«Сел» қиссаси қаҳрамонларидан бири Ўткиржон айрим диссертациялар ҳақида гапира туриб, шундай дейди: «Наридан бери сўзлар билан саҳифалар тўлаверади» (123-бет). Очиғини айтганда, бу гап Келди Қодировнинг иккала қиссасига ҳам, юқорида назардан ўтказилган бошқа барча «асарлар»га ҳам у ёки бу даражада даҳлдордир. Фарқ фақат «сўзлар уюми»ни ҳосил қилиш ва уни бир амаллаб чоп эттириш суръатида бўлса эҳтимол...

Биз 80-йилларнинг биринчи ярмида босилиб чиққан жами икки юздан кўпроқ оригинал қиссалар ичидан бадиий жиҳатдан саёзликда «намуна» бўлиб хизмат қила оладиган йигирматача «асар»ни нисбатан умумийроқ, обзорнамо танқидий назардан ўтказдик, холос. Бундан мақсад «Қаранг, куни кечагина қандай қораламалар қисса деб чоп этилган эди?» дея қиссачилигимиз бисотидаги нохушликларни журналхонларнинг кўз олдида сеп қилиб ёзиш эмас. Муҳими — улардан муаллифларнинг ўзлари ҳам, адабий танқидчилигимиз ҳам, насримиз шинавандалари ҳам тегишли хулосалар чиқара олишларида, масалага ўз муносабатларини тубдан қайта қуришларида.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: аксарияти уч-тўрт йил муқаддам нашр этилган бундай «асар»лар хусусидаги мазкур кузатишларимизни ўз вақтида чоп эттириш имконига эга бўлмаган эканмиз, бугунги инқилобий қайта қуриш даврида бу ишга зарурат бормикин? Шоир айтганидек, «ўтган ўтди, кетган кетди, қолган қолди, сўлган сўлди» эмасми? Энди «ўлган илоннинг бошини қўзғаш» шартмикин? Ахир, республикамиз ҳаётида, жумладан, адабиёт оламида бир пайтлар кенг тармоқ отган негатив ҳодисаларга барҳам беришнинг реал амалий тадбирлари белгиланди ва белгиланмоқда-ку. Шундай бир пайтда диққат назарини бугунги кун ва келажакка қаратиш ўрнига ўтмишни «кавлаштириш» керакмикин? Бизнингча, керак! Камида икки сабабга кўра шундай йўл тутишга улкан зарурат бор. Биринчидан, ўтмишга мурожаат, куни кечагина «гуллаб-яшнаган» жўнлик, юзакилик, схематизм, баёнчилик, мантиқсизлик каби иллатлар, «ким ўзарга» китоб чиқаришлар ва бошқа хил негатив ҳодисаларни атрофлича танқидий назардан ўтказиш қиссачилигимизнинг бугуни ва айниқса келажаги учун керак. Иккинчидан — энг муҳими — юқорида тилга олинган иллатлару негатив ҳодисалардан бугунги кунда ҳам тўла халос бўлолганимизча йўқ. Улар айрим «сермаҳсул» қаламкашларимизнинг тезпишар асарларида, буқаламундек шароитга мослашиб бўлса-да, яшаб қолиш учун жон-жаҳди билан уринмоқдалар. Бугина эмас. Ҳаттоки, энг иқтидорли ёзувчиларимиз ижодига ҳам уларнинг нуқси — салбий таъсири ҳали-ҳануз аён сезилмоқда.

Юқоридаги таҳлиллар аён кўрсатиб турибдики, ҳозирги кўпчилик ёзувчиларимиз чинакам бадиий асар бўлмиш реалистик қисса — шунчаки ровийлик, анъанавий қиссахонлик эмас, бир зарб билан «шариллатиб» ёзиб ташлайверадиган воқеанавислик эмас, чинакам характер яратиш ва унинг замирига даврамизга хос муҳим ижтимоий муаммоларни теран сингдириш эканини англаб етмаяптилар, ё тан олишни истамаяптилар. Шу боисдан бўлса керак, қаламкашларимизнинг катта бир гуруҳи «ҳужжатли қисса» деб аталмиш долзарб жанр типини мустаҳкам қалқон қилиб олиб, ўзларининг енгил-елпи воқеанавислигу баёнлардан иборат «асарлари» учун ундан паноҳ қидирмоқдалар. Бу жанр типини бир қадар суиистеъмол қилмоқдалар. Гўё ҳужжатли қисса бадиий асар эмасдек! Қолаверса, ҳаттоки энг иқтидорли носирларимиз ҳам чинакам ижодкорлик тўқсон тўққиз фоиз меҳнат эканини унутиб қўймоқдалар. Улар бугунги қайта қуриш даврида ҳам асардаги сюжет, композиция, конфликт, ғоя ва бошқа бадиий унсурларга қунту сабот билан заргарона ишлов бериш, қўлёзма устида такрор-такрор заҳмат чекишга нисбатан янги бир асарни «дўндириб ташлаш»ни маъқулроқ кўрмоқдалар. Ҳолбуки, бу йўл билан адабиётимизда сифат ўзгаришларини қўлга киритиш мумкин эмас.

Одатда янги деворни тиклашга нисбатан эскисини бузиб, қайта қуриш чандон оғирроқ бўлади. «Москва бирданига қурилмаган». Айниқса, бугунги Тошкентимиздек ривожланган индустриал шаҳар неча-неча авлодлар меҳнати билан, не-не машаққатлар эвазига бунёд этилган. Бу шаҳардаги бир қолипдан чиққандек рангсиз-кўрксиз талай-талай бинолар — бесўнақай темирбетон конструкцияларни вақти келганда бузиб, ўрнида кўркам қасрларни барпо этиш янада мушкулроқ кечиши муқаррар. Аммо буларнинг барчасидан ҳам фавқулодда мушкулроқ иш — бир неча ўн йиллар, асрлар мобайнида шиббалана-шиббалана қотиб қолган онгни қайта қуришдир. Зотан, бу ишни «мана мен» деган афсонавий паҳлавон ёхуд бугунги куннинг энг қудратли техникаси ҳам уддалай олмайди. Шу боис, айтайлик, мана, минг йилдан ошибдики, онгимиздаги кўпгина сарқитлардан узил-кесил халос бўлолмаяпмиз...

Адабиёт ижтимоий онгнинг энг муҳим шаклларидан бири сифатида ҳамиша ўз-ўзини янгилаш, поклаш, қайта қуришга интилиб, бу йўлда беқиёс ибрат намуналарини яратиб келган. Мунтазам янгиланиш ташқи табиатнинггина эмас, инсоннинг ички табиати яратган адабиёт ва санъатнинг ҳам яшаш тарзидир. Бугунги сўз санъатимиз, жумладан, қиссачилигимизда қайта қуришни муваффақиятли равишда амалга оширмоқ учун аввало ҳар бир қаламкаш бадиий ижодга муносабатини тубдан қайта қурмоғи, «ўз ёзувчилик истеъдодимни қандай камол топтиришим керак? Шу ёзмоқчи бўлаётган асарим билан ўз замондошларимга насларга Тагор ва Толстой, Қодирий ва Ойбек айтишга улгурмаган қандай янги ва муҳим гап айтмоқчиман? Шу янги гапни айтиш учун қандай ёзишим керак? Қандай ёзмаслигим керак?» қабилидаги саволларни ўз олдига кўндаланг қўймоғи, бу саволларга тўғри ва мардона жавоб топа олмоғи лозим. Акс ҳолда адабиётимиз, жумладан, қиссачилигимиз кўнгилдаги юксакликка эришолмайди, атоқли санъаткор Абдулла Қаҳҳор орзу қилганидек, буюк адабиёт бўлолмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ

Йўлдош Эшбек. Мен мангу масофа сари оққайман 3
Тилак Жўра. Юлдузлардай эрир нафасим 7
Қутлибека Раҳимбоева. Қишнинг охирлари. Достон 113
Тўра Мирзо. Бир буюк армон бор қўшиқ қаърида 127
Замира Рўзиева. Оқиб келаверар кунларга зиё 130
Абдул Жалил. Бағрингга бардошлар тилагин ердан 145

НАСР

Омон Мухторов. Эгилган бош. Роман 11
Мирзоҳид Мирзараҳимов. Тумандаги одамлар. Ҳикоя 122

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Дадахон Нурий. Бўстонлиқни қутқаринг! 132
Абдулла Абдураззоқов. Бозор ва нарх 165

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Шуҳрат. Шеърлар 149
Умарали Норматов. Қалбдаги чироқ 153

САНЪАТ

Шойим Бўтаев. Шукур Бурҳон. Эссе 157

НАВОИЙХОНЛИК

Алибек Рустамов. Мустазод 172
Муҳаммаджон Имомназаров. Ҳақиқат ва мажоз 176

НОДИР САҲИФАЛАР

Беруний. Ҳикоятлар 182

АДАБИЙ ТАНҚИД

Раҳимжон Отаев. Қандай ёзмаслик керак? 187
Абдуғафур Расулов. Тақризни ҳимоя қилиб 192

АКС САДО 195

ГУЛҚАЙЧИ

Исмоил Оллоберганов. Хатобойнинг саргузаштлари. *Юмористик қисса* 199
Абдумурод Раҳмонов. Яқин кишинг 207
Йўлдош Султонов. Роман ёзди 207

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)

№ 4

Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор **А. Ҳайдаров.** Рассом **Ғ. Алимов.** Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 09.02.88 й. Босишга рухсат этилди 29.03.88 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Р-08629. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 172032. Заказ 2682.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41

www.ziyouz.com kutubxonasi